Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 60 (8300). | 23 март, 1984 йил | ЖУМА | Баҳоси 3 тийин.

БЕШ КУНЛИК ҒОЛИБЛАРИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозида кўкламги ишларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун бригадалар, механизаторлар ва шоферлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилган. Мусобақага ҳар беш кунда якун чиқарилиб, ғолиблар пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишяпти.

Куни кеча хўжаликда навбатдаги беш кунлик якунларни кўриб чиқилди. Ана шу муддат ичида 70 гектар ерга карам, 50 гектар ерга картошка экиб бўлингани қайд этилди. Шундан 18 гектар майдондаги карам ва 2 гектар ердаги картошка устига плёнка ёпилди. Бу ишларни тез ва соз амалга оширганликлари учун Малика Мухторова бошлиқ бригадага биринчи, Фатхулла Мирсломов бошлиқ бригадага иккинчи ва Пардабек Кенжалиев бошлиқ бригада коллективига эса учинчи ўринлар берилди. Шунингдек, экиш ишларида алоҳида жонбозлик кўрсатган механизаторлардан Асад Ниёзов, Ўроз Исоқбоев, Асад Қулимбеков ва Тўғон Абдурасуловлар, шоферлардан Мирҳосил Ҳакимов, Рустам Сафаров, Бекпўлат Аширбоевлар мусобақа ғолиблари деб топилдилар.

Хўжалик деҳқонлари бу йил карам ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 300, картошкани эса 250 центнердан етказиш учун курашяпти.

Қ. МУЛЛАБОЕВ.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЭКИШ АВЖИДА

● ОҲАНГАРОН районидаги «Оҳангарон» совхозининг Қодир Абдурахмонов етакчилик қилаётган сабзавотчилик бригадаси аъзолари хўжаликда биринчилар қатори карам экишга киришдилар. Улар ҳар йили шаҳарликлар дастурхонига мўл ва сара эртаки сабзавот маҳсулотлари тортиқ этишяпти. Бригада деҳқонлари қишки-баҳорги тадбирлар комплексини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Ер экиш учун сифатли тайёрланди. Деҳқонлар қисқа муддат ичида 10 гектар майдонга карам экишди. Бувойша Сафаралиева, Турсуной Ниёзова, Уктам Утбосов сингари сабзавоткорлар экишда намуна бўлишяпти.

Хўжаликнинг барча бригадаларида ҳам экиш ишлари авж олган. Деҳқонлар бу йил давлатга 8 минг тонна ўрнига 8800 тонна сабзавот маҳсулотлари топшириш мажбуриятини олишган. Бунинг учун 80 гектар ерга карам, 118 гектар майдонга помидор, 19 гектар жойга болонинг ва бошқа экинлар экишди.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ИШЛОВ БЕРИЛЯПТИ

● БАҲОРНИНГ қулай келган ҳар бир кунидан унумли фойдаланаётган Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз деҳқонлари ҳам дала ишларини авж олдириб юборишган. Шу кунгача 50 гектар майдонга эртаки карам кўчатларни ўтказишди. Шу билан бир қаторда кузда экилган 30 гектар ердаги август пиёзи, ҳар бири 10 гектардан майдондаги саримсоқ пиёз ва сабзи, шунингдек, 80 гектар ердаги оралиқ экинларни парваришлаш қилиш ишлари ҳам кучайтирилди.

Колхозда боғлардаги мевали дарахтларга ишлов бериш, токзорларни тартибга келтириш ишлари юксак суръатларда боряпти. Айниқса, М. Эркабоев, Н. Илҳомов ва О. Аҳмедовлар етакчилик қилаётган бригадаларда баҳорги юмушлар намунали йўлга қўйилган.

Т. ЖЎРАЕВ.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

● ҲАМИДУЛЛА Йўлчиевнинг Калинин районидаги «Москва» совхозида бригадирлик қилаётганига тўртинчи йил кетяпти. Бироқ, бу қисқа вақт ичида у қолоқ бригаданн илғорлар сафига кўтарди. Ҳар йили план ва мажбуриятлар ортиғи билан бажариляпти.

Бригада коллективи бу йил ҳам 49 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Қишнинг анча сурилиб кетган бўлишига қарамай, коллектив меҳнаткашлари гектарлар ҳосилдорлигини ошириш, эртаки экинларни тез ва соз ерга қадаш чораларини кўришяпти. Ҳозир бу ерда карам ўтқазиш қизғин бормоқда. Шу кунгача 6 гектардан ортиқ майдон кўчатлар билан яшнади. Бу ишларда Т. Гизматуллин, Т. Бекетов, А. Қосимов, Х. Йўлчиев сингари бригада аъзолари бошқаларга намуна бўлишяпти.

И. ҚОСИМОВ.

ФОЙДАЛИ ТАКЛИФЛАР

ҒАЗАЛКЕНТ тоштарошлик комбинатида рационализатор ва ихтирочилар таклифлари туфайли қўплаб иш жараёнлари тезлашиб, хомашё ва материаллар тежаб қолинмоқда. Бош технолог В. Нехорошов бу йилга мўлжалланган катта ижодий изланишларнинг дастлабкисини бошлаб берди. У ҳозирнинг ўзида силликлашсайқаллаш жараёнини тезлаштирувчи асбоблар тайёрлаш юзасидан 3 та таклифни киритди. Ана шу янгилик мармар ва гранит тошлардан исталган конфигурациядаги бўлақлар қирқиб олиш, узоқ вақт ишлаган олмос арраларни дастҳоҳдан ажратмаган ҳолда уни тозалаш имконини беряпти.

М. СУЛТОНОВ.

ОИЛАВИЙ ЗВЕНО

ҲОЗИР сабзавоткорлар ҳаётида долзарб кунлар бошланди. Улар об-ҳаво қийинчиликларини мардонаворлик билан енгиб, эртаги сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш тадбирларини кўрмоқдалар. Бу соҳада Тошкент районидаги К. Маркс номли колхозда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Колхоз деҳқонлари бу йил давлатга 9200 тонна сабзавот сотиш, ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни ўртача 409 центнерга етказиш учун аҳд қилганлар. Коллективларда пудрат усулининг жорий этилганлиги дала ишларини тез, соз, сифатли ўтказиш имкониятини бермоқда. Бу соҳада, айниқса, уста сабзавоткор Жўра Раҳбаров бошлиқ бригада аъзолари яхши натижаларга эришаётирлар. Айни кунларда бригадада эртаги карам кўчатларини экиш ниҳоясига етказилмоқда.

Суратларда: (чапда) колхоз партия ташкилотининг секретари Мидхат Усмонов (ўнгда биринчи) Ғани Иноятов бошлиқ оилавий звено аъзолари билан дала ишлари ҳақида суҳбатлашаётир. (Ўнгда) плёнка тагида сабзавотлар.

В. Портнов фотолари.



21 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

● АНДИЖОН. «Электроаппарат» заводининг ишчилари шанбалик куни паст вольтли қурилмаларни йиғадилар. Саноатнинг кўпгина тармоқларида ишлатиладиган бундай маҳсулотдан 65 минг сўмлик тайёрлашга қарор қилинди. Монтажчи Людмила Грязева шу куни нормани икки баравар ошириб бажаришга сўз берди. Ундан ўрнак олган юздан кўпроқ киши ҳам меҳнат унумдорлигини нормадан анча ошириш мажбуриятини қабул қилди.

● БУХОРО. Тельман номли трикотаж фабрикасидан 21 апрель иш куни охирида республика магазинларига жун ва ярим жун калавадан тикилган болалар костюмлари, жакетлар, бошқа кийимкечак жўнатилади. Меҳнат байрами куни тайёрланган молларнинг қарийб ўндан бир қисмини йил бошидан буён тежаб қолинган хом ашёдан ишлаб чиқариш планлаштирилмоқда.

● ҚИЗИЛТЕПА. Маҳаллий пахта заводида корхонанинг барча меҳнаткашлари шанбаликка чиқишга қарор бердилар. Улар зарбдор смена вақтида одатдаги кунга қараганда анча кўп-салкам юз тонна тола ишлаб чиқариб, мамлакат тўқимачиларига жўнатишни мўлжалламоқдалар. Агрегатларнинг ҳаммаси тежалган энергия ва табиий газ билан ишлайди.

● НАВОИЙ. Кўп минг кишилик «Навоиазот» бирлашмасининг коллективи ўтган йилги шанбалик вақтида эришилган меҳнат рекордларидан ўзиб кетишга, 21 апрель куни бир неча юз минг сўмлик минерал ўғит, аммиак, нитрон тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қарор қилди. «Қизил шанбалик» штабининг аъзоси, аммиак цехининг катта аппаратчиси Л. Жолудева, уннинг ҳамкасблари ҳозирдаёқ тежамкорлик фондини тузиб, коммунистик меҳнат байрамида ишлаш учун ресурслар тўплаётганликларини хабар қилди.

(ЎзТАГ).

УРУҒ САРА БЎЛСИН

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА йил йилга ўхшамайди. Шунинг учун ҳам ҳар йилнинг шарт-шароитини ҳисобга олиб иш кўриш керак. Бу йил қиш анча чўзилиб кетди. Бу эса кўкламги дала ишларининг кечикишига сабаб бўлди. Бундай шароитда мавсумга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйган деҳқонгина мўлжалдаги хирмонинг уяди. Айниқса, пахтачиликда бу катта аҳамиятга эга.

Тадбиркор деҳқонлар мўл ҳосилга замин уруғ тайёрлашдан бошланади, дейишади. Демак, шу кундаги энг муҳим вазифа уруғлик чигитни экишга сифатли тайёрлашдир. Халқимизда «Сара уруғ, мўл ҳосил гаровн» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам ёмон уруғдан сифатли ҳосил олиб бўлмайди. Шундай экан, областимизда бу муҳим масалага қандай эътибор берилмоқда? Уруғлик чигитларнинг аҳволи қандай? Улар яхши сақланмоқдами? Бу саволларга жавоб олиш ниятида Оққўрғон, Бўка районларида пахта заводлари ҳамда бир қатор хўжаликларда бўлдик.

Умуман, 1984 йилда область бўйича 10 минг тоннадан ортиқ уруғлик чигит тайёрлаш планлаштирилган. Бунинг асосий қисмини Алимкент пахта тозалаш заводи етиштириб беради. Ҳар йили бу ердан 40 дан ортиқ хўжалик турли нав уруғлик чигит олади.

Завод ишчи-хизматчилари ҳамма хўжаликларга уруғликни ўз муддатида етказиб бердилар. Лекин текшириш давомида бу ерда уруғлик чигит тайёрлашда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам маълум бўлди.

Масалан, қўлда терилган пахтадан тайёрланган 39-партия Тошкент-1 навли уруғлик чигитнинг 6,8 процентн шикастланган. Бу нормадагидан 1,8 процент ортиқдир. Шунингдек, туксизлантирилган 7-партиядаги чигитнинг намлиги 7,8 процент, шикастланиш миқдори беш процентдан кўпайиб кетган. Ваҳоланки, туксизлантирилган уруғлик чигит ниҳоятда сифатли тайёрланиши лозим. Чунки бу уруғлик экин майдонларига аниқ миқдорда ташланади. Агарда техник жиҳатдан шикастланган уруғлик бўлса тўлиқ униб чиқмайди.

Алимкент пахта тозалаш заводи қошидаги лабораториянинг иши ҳам бизни қониқтирмади. Штат бўйича бу ерда ўн лаборант меҳнат қилиши керак. Аслида эса етти ходим икки сменада ишлаяпти. Завод эса уч смена ишлайди. Демак, учинчи сменада тайёрланаётган уруғлик умуман назорат қилинмаяпти. Лабораторияда қайд қилиб борилаётган ҳужжатлар ҳам тартибсиз.

Биз ҳам шу кунн райондаги бир қатор хўжаликларда бўлиб, уруғликнинг сифати қандай сақланаётганлигини кўздан кечирдик. Мичурин номли, Фрунзе номли, Ильич номли колхозларда чигитлар махсус хоналарда сифатли сақланмоқда. Лекин райондаги барча хўжаликларда ҳам иш ана шундай ташкил этилмаган. Масалан, Ҳамза номли колхознинг 1, 2, 3-бригадаларига қарашли уруғлик чигит хўжаликнинг қурилиш омборига туширилган. Уруғлик турган жой мутлақо талабга жавоб бермайди. Бунинг устига қоплар тешилиб кетган. Чигитлар сочилиб, тўкилиб ётипти. Чамаси ўтган йили ҳам уруғлик чигит шу ерда сақланган бўлса керак. Ортиқчаси тупроққа қоришиб ётипти. Тўхтамурод Боботоев бошчилик қилаётган 4-бригаданинг уруғлик чигити ҳам зах, бунинг устига илгари минерал ўғит сақланган ерда турипти. Агар бу чигит экилгунча шу ерда ётса унинг кўпгина қисми нобуд бўлиши аниқ. Шунингдек, Карл Маркс номли, «Партия XIX съезди» колхозларида ҳам уруғлик чигитни сақлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ғўза селекцияси уруғчилиги ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида пахтакор хўжаликларга районлаштирилган, толаси сифатли, серҳосил навли чигитни кўпроқ етказиб бериш алоҳида қайд қилинган. Шундай экан, уруғлик чигитни таналаш, сақлаш ва ўз вақтида экиб олиш шу куннинг энг муҳим вазифасидир. Бу ҳосилнинг дастлабки заминидир.

Н. ЖАВҲАРОВ,
область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспектори,
Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

— Туксизлантирилган уруғликни сифатли тайёрлаш учун бизга «4 СОМ» маркали механизмлар учун янги барабанлар керак. Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги бу йил Алимкент ва Чиноз пахта тозалаш заводларига бор йўғи 40 дона барабан ажратди. Ваҳоланки, бизга 52 та барабан керак эди,— дейди Алимкент пахта тозалаш заводининг тайёрловчилар бошлиғи Зулфиқор Маҳмудов. — Натижада эски барабанлардан фойдаланишга мажбур бўлаяпмиз. Шунинг учун ҳам уруғлик чигитнинг сифати пасайиб кетяпти.

Бўка районн хўжаликлари ҳам уруғлик чигит билан тўла таъминланган. Колхозсовхозларга 1670 тоннадан зиёд уруғлик жўнатилди.

— Хўжаликларга етказиб берилган уруғликларнинг ҳаммаси ГОСТ талабларига жавоб беради, — деди район уруғчилик бўйича назоратчси Ўктам Рустамов.— Назоратчиларимиз хўжаликларга бориб, уруғлик чигит қандай сақланаётганлигини текшириб чиқмоқдалар...

МЕХАНИЗАТОРЛАР ТАШАББУСИ

ОҚҚЎРҒОН районидаги Навоий номли колхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ҳамда 1984 йил февраль Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Улар ҳар бир ишда уюшқоқлик, ташаббускорлик намуналарини кўрсатишяпти.

Барча техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқариб, кўкламги экишга пухта ҳозирлик кўриб кўйган хўжалик механизаторларидан Абдулатиф Ўташев, Бекзода Пошалиев сингари ўртоқлар яқинда яна бир ватанпарварлик ташаббуси билан чиқишди. Уларнинг ҳар бири меҳнат унумдорлигини 1 процент ошириб, маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процентга камайтириш борасидаги умумхалқ ишида актив қатнашишга қарор қилишди. Бу ташаббусни якдиллик билан қўллаб-қувватлаган хўжаликнинг 20 дан зиёд механик-ҳайдовчиси меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, техника ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмларини авайлаб-асраш, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб сарфлаш учун курашни бошлаб юбордилар.

Ҳар бир механизатор йил давомида 45 сўмликдан зиёд ёнилғи-мойлаш материалларини иқтисод қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда бригина транспорт тракторининг ўзидан йил охиригача 14 тоннадан ортиқ дизел ёнилғиси тежалади.

М. МИРКАМОЛОВА.

ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

Мусобақадош Тошкент—Жиззах—Иваново областлари халқ хўжалиги айрим тармоқларининг 1984 йил январь-февраль ойларидаги асосий иш кўрсаткичлари

	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	105,7	92,0	103,1
Реализация планининг бажарилиш проценти	100,9	100,5	101,1
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	9,9	0,3	14,0
Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сони	25	10	44
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	6,2	14,9	14,8
Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,3	109,2	97,9
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиш проценти	100,4	91,6	100,6
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	104,3	84,3	105,4
Меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармаган корхоналар сони	56	17	74
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	13,9	27,9	24,8
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш — минг тонна	2,7	0,2	54,7
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	99,2	68,1	97,9
Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш — миллион погон метр	33,0	—	378,0
Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	93,1	—	96,5
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш биринчи квартал планининг бажарилиш проценти, пландан ташқари харид қилинганлари ҳам ҳисобга киради			
Чорва ва парранда	90,2	100,6	77
Сут	65,1	60,8	66
Тухум	73,7	56,2	71
1984 йилнинг январь-февралида колхозлар ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги:			
Чорва ва парранда асосий турларини сўйиш учун топшириш 1984 йил январь-февралида 1983 йил январь-февралидагига нисбатан процент ҳисобида	114	106	119
Ялпи соғиб олинган сут (шартномалар асосида аҳолидан қабул қилингани ҳам ҳисобга киради) 1984 йил январь-февралида 1983 йил январь-февралидагига нисбатан процент ҳисобида	106	97	109
Товуқ тухуми етиштириш 1984 йил январь-февралида 1983 йил январь-февралидагига нисбатан процент ҳисобида	105	75	110
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 1984 йил январь-февралида 1983 йил январь-февралидагига нисбатан процент ҳисобида	99,0	95	108
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори 1984 йил январь-февралида 1983 йил январь-февралидагига нисбатан процент ҳисобида	104	85	109
САВДО			
Давлат ва кооператив совдо (умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради) товар оборотн планининг бажарилиш проценти	101,2	100,3	99,98
Шу жумладан чакана тармоқ товар оборотн	101,2	100,3	100,3
Умумий овқатланиш товар оборотн	101,3	100,5	96,9
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Аҳолига жами маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиш проценти	105,8	100,1	94
Шу жумладан шаҳарларда	107,5	103,7	94
Қишлоқларда	99,9	98	94

45 ЦЕНТНЕР УЧУН

КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг Кавордон участкасидаги уста пахтакор Эргаш Мирсалмонов етакчилик қилаётган 21-бригада деҳқонлари ўтган хўжалик йилида ҳар гектар ердан 42 центнердан «оқ олтин» топшириб, хўжаликда илғорлар сафидан ўрин олган эдилар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш ниятида дала ишларини уюшқоқлик билан олиб боришяпти.

— Биз мавсумга тайёргарлик бўйича барча тадбирларни амалга оширдик, — дейди бригада сардори. — Ер етилиши билан чигитни экиб, тупроқнинг намига ундириб оламиз. Бунинг учун бригадамизга қарашли барча техника воситалари ремонтдан чиқарилиб, керакли мосламалар осиб қўйилган.

Деҳқонлар шу кунларда ариқ ва зовурларни яна бир бор тозалаб чиқишмоқда. Баҳорги юмушларни бажаришда коллективнинг Аҳмад Нишонбоев, Ҳабибулла Саъдиев, Бунёд Абдурахмонов сингари аъзолари барчага ибрат бўлишмоқда.

З. ТОЖИБОЕВ.

БИР-БИРИДАН ҚОЛИШМАЙ

СУЛУВ Раҳимқулова ва Фарида Шаметовалар Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозда ўн йилдан буён сут соғувчи бўлиб меҳнат қилишади. Бу икки дугона ўтган давр ичида ўз касбининг сир-асрорларини синчиклаб ўзлаштирдилар. Изланишлар, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ўз самарасини кўрсатди. Улар қарамоғларидаги соғин сигирлардан йилдан-йилга кўпроқ ва сифатли сут соғиб ола бошладилар.

Ўтган — 1983 йил бу икки дугона учун унутилмас йил бўлди. Улар район бўйича энг юқори натижага эришдилар. Сулув 15 бош сигирнинг ҳар биридан 5826 килограммдан, Фарида эса 5320 килограммдан сут соғиб олди.

— Социалистик мусобақа ютуқларимизнинг омили бўляпти,— дейишади донгдор соғувчилар.— Ҳар ўн беш кунда колхоз правленнеси, партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан мусобақа натижалари кўриб чиқилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилянти. Бундан ташқари фермамизда илғорлар тажрибасини оммалаштиришга катта эътибор берилянти.

Икки мусобақадош Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик шонли юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, қарамоғларидаги говмушлардан 5500—6000 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилдилар. Айни кунларда ҳам улар сигирлар маҳсулдорлигини кунига 12—14 килограммга етказмоқдалар.

М. МИРСУЛТОНОВ.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 3 (263)

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

ЎҚИТАЙЛИК, ЎРГАТАЙЛИК

СССР халқ контроли органлари тўғрисидаги Низомда таъкидланганидек, меҳнаткашлар оммаси халқ контроли органлари орқали экономика, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида контроллик қилиш ҳуқуқини амалга оширадилар, давлат ишларини бошқаришда иштирок қиладилар. Халқ назорати органларига сайлаб қўйилган кишиларнинг кўпчилиги илғор ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлиларининг вакилларидир. Уларни ўқитиш, назорат ишларига ўргатиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифа Янгийўл шаҳри ва Янгийўл районида қандай амалга оширилаётганлигини биз яқинда атрофлича ўрганиб чиқдик.

Халқ назоратчиларини ўқитиш, уларни назорат ишларига ўргатиш бўйича шаҳар ва районда маълум ишлар бажарилмоқда. 1983—1984 ўқув йилида Янгийўл шаҳрида 24 та халқ назоратчилари мактаби ташкил қилинган. Уларда 1322 назоратчи ўз билимини ошираяпти. Янгийўл районида ташкил қилинган 71 та халқ назоратчилари мактабига эса 1855 киши жалб этилган.

Мактабларга раҳбарлик қилаётган кишиларнинг кўпчилиги халқ контроли группаларининг бошлиқларидир. Раҳбар ходимлар, етакчи мутахассислар машғулотларни олиб бормоқдалар. Янгийўл районидаги У. Юсупов номли агросаноат бирлашмасида ташкил қилинган назоратчилар мактабига бирлашма бош директорининг ўринбосари Х. Раҳматуллаев, партия комитети секретарининг ўринбосари Қ. Норхўжаев ва бошқалар пропагандист қилиб тайинланган. Янгийўл ёғ-мой комбинати, «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ремстройдормаш» заводи каби корхоналарда ишлаб турган халқ назоратчилари мактабларида ҳам бош мутахассислар пропагандистлик қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги корхона партия комитетлари, партия бюролари томонидан тасдиқланган.

Янги ўқув йили олдидан шаҳар ва район халқ контроли комитетлари мактаб раҳбарлари учун махсус семинар ташкил қилдилар. Бу семинарларда мактаб ишини ташкил этиш, ўқув машғулотлари сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича муҳокама қилинди, зарур методик йўлланмалар берилди.

Кўпгина мактабларда давомат, машғулотлар темаси, лекциялар ҳисоб-китоби олиб бориладиган махсус журналлар тутилган. Машғулотлар СССР халқ контроли комитети тавсияси асосида тузилган тематика бўйича олиб борилмоқда. Лекция ва суҳбатлар давомида тингловчилар эътибори меҳнат коллективлари олдида турган конкрет вазифаларга қаратилмоқда. Бу соҳада ёғ-мой комбинати, мебель фабрикаси, 107-автокорхона, 163-кўчма механизациялашган колонна ва бошқа ташкилотларда ташкил қилинган мактаблар бой тажриба тўплагандирлар.

Айрим мактабларда машғулотнинг биринчи қисмида СССР халқ контроли комитети тавсияси асосида белгиланган тема ўтилса, машғулотнинг иккинчи қисмида халқ хўжалигини назорат қилишнинг актуал масалалари ўрганиляпти. Масалан, «Коммунизм» колхозида ташкил қилинган мактаб тингловчилари декабрь ойида бўлиб ўтган машғулотда чорва қишловининг борриши устидан назорат қилиш масаласини ўрганган бўлсалар, январь ойида бўлиб ўтган машғулотда қишлоқ хўжалиги техникасини сақлаш ва ремонт қилишни ташкил этишнинг аҳволи билан танишдилар. Ўқувнинг бу усули тингловчилар тажрибасини оширишга ёрдам беряпти.

Текширув давомида ютуқлар билан бир қаторда ўқувни ташкил этишда қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Группа ва пост аъзоларининг бир қисми ўқувга жалб этилмаган. Шаҳарда ҳам, районда ҳам камсонли группа аъзолари, маданий-маиший соҳа назоратчилари учун мактаблар ташкил қилинмаган. Мавжуд мактабларда эса машғулотлар ўз вақтида ўтмайди, давомат паст.

Янгийўл районида ташкил қилинган мактабларнинг кўпчилигида янги ўқув йили ниҳоятда кечикиб бошланди. Район халқ маорифи, район матлубот жамияти, з-автобазада ташкил қилинган мактабларда тингловчиларнинг атиги 60—70 проценти қатнашяпти, холос.

Утказилаётган машғулотлар сифатини яхшилаш устида ҳам жойларда етарлича ғамхўрлик қилинмаяпти. Кўпгина мавзулар хўжакўрсин учун ўтилаяпти. Улар маҳаллий ҳаёт, меҳнат коллективлари зиммасидаги вазифалар билан боғланмаяпти. Ўқувни самарали ташкил қилиш учун аввало шаҳар ва район халқ контроли комитетлари ҳузуридаги методик кабинетлар ишини янада яхшилаш талаб қилинади. Улар пропагандистларга ва тингловчиларга катта амалий ёрдам кўрсатишлари мумкин. Лекин ҳозирча методик кабинетлар фаолияти сезилмаяпти.

Шаҳар ва район халқ контроли комитетлари ўз мажлисларида мактабларда ўқув машғулотлари қандай бораётганлиги юзасидан ахборотларни ҳам тез-тез тинглаб туришлари керак. Шунда мактаб раҳбарлари ва пропагандистлар масъулиятини янада оширган бўламиз. Комитетларнинг штатсиз инспекторларини бевосита группаларга бириктириб қўйиш ҳам яхши самара беради. Улар жойларда бўлиб, халқ назоратчилари мактаби ишини ташкил этишда, машғулотлар сифатини оширишда пропагандистларга амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Шаҳар ва район халқ контроли комитетларининг штатсиз ташкилий бўлимлари ҳузурида халқ назоратчилари ўқувини ташкил этиш бўйича секторлар тузилмаган. Бундай секторлар жуда ҳам зарурдир. Назоратчилар активлигини оширишда ва улар билимини бойитишда мактабларнинг ҳар томонлама самарали фойдаланиш ҳар бир комитетнинг бурчидир.

В. БУТИРИН,
Тошкент область халқ контроли комитети штатсиз ташкилий бўлимининг мудири.

ГРУППАЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Экиш сифати назоратда

Кўкламги экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўришда хўжалигимизнинг 58 нафар халқ назоратчиси ҳам самарали меҳнат қилди. Бу борада бир неча рейд ва текширишлар ўтказилди.

Техника ремонтининг сифати кўздан кечирилганда мавжуд чопиқ тракторлари, сеялка, борона ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмларининг яхши созланганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга 8 та картошка уруғи экиш комбайнидан 2 таси мавсумга шай қилинмаган эди. Бу комбайнлар арзимаган эҳтиёт қисмлар йўқлиги туфайли ҳанузгача тайёрлик линиясига қўйилмаганди. Рейд натижаси зудлик билан группа мажлисида муҳокама қилиниб, хотиржамликка йўл қўйган ўртоқларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Хўжалигимизда карам экиш жадал бораётган пайтда 3-бригада даласида бўлдик. Далачилик ишларини назорат қилувчи активларимиздан Н. Махаматов, З. Аҳмедов, А. Назаровлар бу ерда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, кўчатларни тўлиқ ўстириб олишга бошқош бўлди. Улар карам кўчатидан бўшаган парник майдонларини қайта ҳозирлаб помидор уруғи сепишни қисқа фурсатда тугаллашда ҳам фаол иштирок этишди.

Ҳозирги пайтда колхоз боғида ҳам дарахтларга шакл бериш, қатор ораларини ҳайдаш каби муҳим тадбирлар ўтказилмоқда. Шу кунгача 10 мингдан ортиқ дарахт буталиб, қуриганлари ўрнига 100 дан ортиқ мевали дарахт кўчати ўтказилди. Боғдорчилик ишларини назорат қилиб борувчи Маҳмад Султонов, Михаил Рашупкин кабилар энг аввало ўзлари меҳнатда ўрнак бўлишга интилишяпти.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, халқ контроли группа ва постлари жонбозлик кўрсатиб ишлаётган бригадалар ҳар доим давлат планларини ошириб бажаришга эришмоқда. Айни пайтда ушбу коллективларда етиштирилаётган маҳсулот сифати ҳам юқори бўлаётир.

Умуман хўжалик халқ назоратчилари партия комитети тасдиқлаган йиллик план асосида иш олиб борнб, умумий ишга муносиб улуш қўшмоқдалар. Улар кенг жамоатчиликка суянган ҳолда ишлашаяпти. Бу эса ўз навбатида камчилик ва нуқсонларни дарҳол илғаб олишга ёрдам бераяпти.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорлари ва ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев район сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида биз назоратчилар олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилди. Улардан энг муҳими ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини арзонлаштиришдир.

Шу кунларда группамиз аъзолари бутун куч-ғайратларини ана шу юксак топшириқларни бажаришга сафарбар этганлар.

А. АҲМАДЖОНОВ,
Оржоникидзе район «Маданият» колхози халқ контроли группасининг раиси.

● ТОШКЕНТДАГИ «Компрессор» заводи халқ контроли группаси аъзолари тез-тез цехларда бўлиб, ишчилар тайёрлаётган маҳсулотлар сифатини кўздан кечириб боришади. Суратда: группа аъзоси, токарь К. Муҳиддинов (ўнгдан), группа раиси З. Салоҳиддинов ва группа раисининг ўринбосари, участка мастери Ю. Лаптев фрезерчи Л. Перлов (ўнгдан иккинчи) тайёрлаган деталлар билан танишмоқдалар.

В. Портнов фотоси.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ҲИСОБ-КИТОБИ БЎЛМАГАЧ

Тошкент асбобсозлик заводи ҳовлисига кирган киши уйлиб ётган темир-терсаклар, тайёр маҳсулотларни кўриб бенхтиёр ёқа ушлайди. Улар бир-бирига аралашиб кетган. Корхона раҳбарлари материал ва хом ашёларни тежаб-тергаб сарфлаш, тайёр бўлган маҳсулотларни ўз вақтида жўнатиш устида етарлича қайғурмаяптилар. Завод директори О. Тошматов кейинги пайтларда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан чуқурроқ шуғулланмай қўйди. Кадрларга нисбатан талабчанлик бўшашиб кетди. Шу боисдан ҳам ҳамма ўз билганича иш юритяпти.

Бунда корхона бош инженери М. Галяутдиновнинг ҳам айби бор. У моддий-техника ресурсларини сақлаш, омилкорлик билан фойдаланиш устидан назорат қилмай қўйган. Шу боисдан ҳам кўпгина маҳсулотлар талон-тарож бўлиб кетяпти. Ўтган йили заводнинг еттита автотранспорти ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ҳисобдан чиқариб юборилди. Ахир, улар илгари 14,2 минг сўмга олинган, эди-ку. Мана энди ҳаммаси металлоломдай уйилиб ётибди.

Цехларда ишлаб чиқариш технологиясига ҳам қатъий риоя қилинмаяпти. Технологиянинг бузилиши натижасида кўплаб маҳсулотлар бракка чиқиб кетяпти. Жойларга юборилган маҳсулотларни буюртмачилар қабул қилмаяпти. Брак учун улар заводга ҳатто 17 минг сўмлик жарима ҳам солишди.

Йўл қўйилаётган нуқсонлардан ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи Ш. Н. Рапиқовнинг хабари борми? Бўлмасачи. Ахир у бутун корхона ишлаб чиқариш фаолиятига жавобгар кишидир. Айни пайтда инвентаризация комиссиясига раҳбар қилиб ҳам тайинланган. Лекин Ш. Н. Рапиқов ўз вазифасига совуққонлик билан қараяпти. Ўтган йили ўтказилган ревизия пайтида тайёр маҳсулотлар омборида 142,8 минг сўмлик маҳсулот кам чиқди. Кейин шошилинч равишда бу маҳсулотларнинг ўрнини тўлдиришга киришилди. Йўл қўйилган нуқсонлар босди-босди қилинди. Ҳозир ҳам корхонада кўз бўямачилик ҳоллари содир бўлмоқда, ҳисоб-китобда чалкашликларга йўл қўйилмоқда.

Область халқ контроли комитетининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Тошкент асбобсозлик заводидаги ноҳуш ҳоллар атрофлича таҳлил қилинди. Ишлаб чиқаришда йўл қўйилган нуқсонлар учун корхона директори О. Тошматов, бош инженер М. Галяутдинов, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ш. Н. Рапиқов қаттиқ жазоландилар.

КУЗНИ ЧИРТ ЮМИБ

Тошкент область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси буюртмасига кўра Оҳангарон шаҳрида битта 54 квартирали уй қурилиши бошланган эди. Оҳангарон уйсозлик бошқармаси бош пудратчи қилиб тайинланди. План бўйича уй ўтган йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилиши керак эди. Лекин йил охиригача бино фойдаланишга тахт қилинмади. Шундай бўлса ҳам 30 декабрда ҳар иккала тамон тил топишиб бино фойдаланиш учун яроқли, деб тузилган актга кўзни чирт юмиб имзо чекишди.

Орадан кўп ўтмай, 1984 йилнинг 7 февралида турар-жой хоналари яна бир-бир текширувдан ўтказилди. Шунда квартираларга газ плиталари, санитария узели ҳамда электр жиҳозлари ўрнатилмаганлиги, панеллар ва дераза-эшиклар ҳомигагина бўялганлиги маълум бўлди. Теварак атрофни ободонлаштиришга ҳатто қўл ҳам урилмаганди. Ҳисоб-китоб қилиб кўришса чала қолган ишларни бажариш учун яна салкам 3,5 минг сўм талаб қилинар эди.

Худди шундай аҳвол Тошкент районида ҳам рўй берди. Бу ерда «Ташоблмелиоводстрой» бошқармасига қарашли 5-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари битта уйни чала ташлаб кетдилар. Лекин тузилган актда турар-жой биноси 1983 йил 1 ноябрда яхши баҳо билан топширилди, дейилган эди. Такрорий текширув пайтида пудратчи ва буюртмачи ташкилотларнинг кўз бўямачилиги маълум бўлиб қолди. Хоналарни пардозлаш ишлари ниҳоятда сифатсиз бажарилган эди. Уларни қайта тузатиш учун кейин анча маблағ кетди.

Қурувчилар ҳаётида шунга ўхшаш нуқсонлар тез-тез учраб турибди. Наримонов шаҳрида қурилган 200 ўринли ётоқхона ҳам чалалигича фойдаланишга топшириб юборилди. Лекин унга ҳеч ким кўчиб ўтмади. Чунки чала жойларни тузатиш учун яна 4,5 минг сўмлик иш бажарилиши керак эди.

Область халқ контроли комитети турар-жой биноларини қабул қилиб олишда давлат нитизомини қўпол равишда бузаётган қурилиш ташкилотлари раҳбарларини ҳамда буюртмачи ташкилот раҳбарларини қаттиқ жазолади. Оҳангарон уйсозлик бошқармаси бошлиғи Б. Ёдгоров, Тошкент область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси бош инженери Г. Д. Кунцов, «Ташоблмелиоводстрой» бошқармаси 5-кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи В. Бағаутдиновга виговор эълон қилинди. Бундай жазодан ишлаб чиқаришда хатоликка йўл қўйган бошқа раҳбарлар ҳам четда қолмадилар.

ҚАЛҚИБ ЧИҚДИ...

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси директорининг ўринбосари А. К. Хорват кейинги пайтларда ўз фаолиятида қатор хатоликларга йўл қўйди. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ одамларнинг дилини вайрон қилди, давлат ҳисобига ҳотамтойлик қилиб ошна-оғайниларининг ҳожатини чиқарди, маблағни бўлар-бўлмас ишларга совурди. Шундан кейин унинг устидан ёзилган шикоят хатлари кўпайиб кетди.

Хатларнинг бири шаҳар халқ контроли комитетига ҳам тушди. Лекин комитет бу хатни чуқурроқ текширмади, негадир ҳеч ким А. К. Хорватнинг устига соя тушишини истамади.

Лекин область халқ контроли комитети ўтказган текширув пайтида А. К. Хорват фаолиятидаги бир қатор нуқсонлар сув юзига қалқиб чиқди. Олдиннига у қиғир ишларини бўйнига олмай тонди, лекин барча қилмишлари фактлар билан исботлаб берилгач мулойим тортди. Унинг қилмишларидан бирнкки шингилнии сиз ҳам эшита қолинг.

Ўтган йили Фрунзе район электр тармоқлари учун янги ишлаб чиқариш-диспетчерлик корпуси қурилган эди. Лекин бу объект чала ҳолича қабул қилиб олинди. Ваҳоланки, бу ерда ҳали 20 минг сўмлик иш бажариш зарур эди. Капитал қурилиш ишлари билан шуғулланувчи А. К. Хорват қурувчиларга нисбатан талабчанлик қилмади. Шундай ҳол илгари 40 квартирали турар-жой қурилишида ҳам рўй берган эди.

А. К. Хорват директор ўринбосари бўлиб олгач шаҳар электр тармоқлари корхонаси ҳисобидан ўз квартирасини яхшилаб ремонт қилди, бунинг учун кассага бир сўм ҳам ўтказмади. Ҳақини талаб қилган ишчиларни эса ёқасидан олди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда кўплаб ишчи ва хизматчилар «ўз аризасига биноан» ишдан бўшаб кетишга мажбур бўлдилар.

Текширув давомида шаҳар электр тармоқлари корхоналари директори А. Шамсиев ҳам бир қатор хатоларга йўл қўйганлиги аниқланди. Шу боисдан ҳам унга қаттиқ виговор эълон қилинди ҳамда бир ойлик маоши ҳажмида пул начёти солинди. А. К. Хорват эса ўз вазифасидан четлаштирилди. А. К. Хорватга қўшилиб қиғир йўлдан юрган бош бухгалтер В. П. Ермаковага қаттиқ виговор эълон қилиниб, бир ойлик маоши ҳажмида пул начёти солинди.

ЭГРИ ҚЎЛЛАР

Мулла Назорат — область кезади

Илиқ баҳор кунлари бошланди. Қори эриётган сочалпоқ далалар, қиш уйқусидан уйғонаётган боғлар яшил либосга бурканмоқда.

Олам яшариб, янгиланаётган шундай дамларда мулла Назорат бир жойда ўтира олармиди. У қишлик кўрпасини йиғиштириб, баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган бепоён далаларни кезади, меҳрибон она заминга барака уруғи қадашга ҳозирлик кўраётган, жамоат чорвасини яшил яйловлар сари бошлашга тараддуд кўраётган ҳамқишлоқлар ҳузурига ошиқади. Уларнинг суҳбатида бўлиб, меҳнат аҳлининг улкан режаларидан завқ-шавққа тўлади.

Мулла Назорат ҳар бир суҳбатда фидокорларга қандай ёрдам кераклигини ён дафтарига ёзиб олади, айниқса, уларнинг қимматли таклиф ва мулоҳазалари, таҳқидий фикрларини жон қулоғи билан эшитади.

Ана шундай сертаассурот сафарлардан бирида мулла Назорат икки ҳамроҳи билан Ғалаба район Благовешченко посёлкасидаги «Гулзор» кафесига кириб қолди. Исмининг иштаҳа очарлигини қаранг, буёғи қандай бўлар экан, деган хаёл билан мулла Назорат ичкарига кирди. Кирди-ю таъби тирриқ бўлди. Кафе ичи бесаранжом. Столлар устида ювуқсиз идишлар сочилиб ётипти. Поллар ифлос, атрофни бадбўй ҳид тутган.

Илож қанча. Йўл юриб ҳамроҳлар очиққан эдилар. Бир амаллаб тамадди қилиб олиш ниятида чеккароқдаги столни тозалашиб, атрофига ўтирдилар. Лекин кўп кутишга тўғри келди. Ниҳоят официант Мария Пак буюрилган таомларни олиб келди ва дарров ҳисоб-китоб қилишни талаб қилди.

— Ҳаммаси 6 сўм 10 тийин бўлади.

— Йўғе, — деди мулла Назорат ажабланиб. — Бизнинг ҳисобимизча 4 сўм 04 тийин чиқяпти-ку. Шундай эмасми, дўстлар?

Мулла Назоратнинг менюга тикилиб ўтирган ҳамроҳлари унинг сўзини қувватлашди. Официант аёлнинг ингичка қошлари чимрилиб, лаби буришди.

— Шунақами!? Мен адашибманда. Кўрмаяпсизми, одам кўп, бошим айланиб қолди, — деди у хўрандаларга киноялн оҳангда.

— Буни қаранг-а, адашганда ҳам ўз фойдангизга адашибсиз. Агар ҳар доим шунақа бўлса, хўрандаларнинг тоза шўрини қуритаётган экансиз-да, — деди мулла Назорат.

Ҳамроҳларнинг иштаҳаси бўғилиб, официант олиб келган таомларни контроль тарозида тортиб кўришди. Натижада уч коса кукси таомидан 0,60 тийинлик 250 грамм масаллиқ уриб қолинганлиги маълум бўлди. Кафе буфетчиси А. Мўминов ҳам ўз фойдасига янгилиши шўш келмаётган экан. У 100 грамм ароқ олган харидордан 20 тийин ортиқча ҳақ олиб қўлга туши.

Таъби хира бўлган мулла Назорат ҳамроҳлари билан Солдатский посёлкасидаги «Кукси» кафесига борди. Аммо, бу ердагилар ҳам юлғичлик ва чўмичда қоқишда «Гулзор» кафеси ходимларидан қолишишмас экан. Уч коса куксининг асосий масаллиғи нормадан камлиги аниқланганда бош ошпаз Анна Когайга суяк тиқилгандек ҳиқичоқ тутиб қолди. Кафе буфетчиси Александр Ан эса 200 грамм ароқ учун 20 тийин ошиқча пул олаётганда мулзам қилинди.

— Бу иккала кафе ходимлари юлғичлик бўйича ўзаро мусобақа ўйнашаётганга ўхшайди. Юринг, қорнимизни бошқа жойда тўйғизамиз, — деди ҳамроҳлардан бири.

Лекин улар М. Юсупова мудир бўлган пирожки цехидан ўн дона пирожки олиб, баттар хуноб бўлдилар. Чунки, бу ерда ҳам уч оғайнидан 35 тийин ошиқча ҳақ олишган эди. Мулла Назоратнинг хуноби чиқди:

— Биродарлар! Буларни сўраб-суриштирадиган одам топиладими, ўзи? Солдатский умумий овқатланиш тармоқлари директори Н. С. Сергеева қаёққа қараяпти? Наҳотки, аҳвол шундайлигича қолиб кетаверса?

— Э, оғайни, хафа бўлаверма, — дея унга тасаллн берди ҳамроҳларидан бири.

— Ошхоналардаги бундай ноҳўя хатти-ҳаракатлар район халқ контроли комитетига маълум. Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида умумий овқатланиш тармоқлари директори Н. С. Сергеева огоҳлантирилди.

— Шунча жиноятга битта огоҳлантиришми? Йўқ, нафс бандалари А. Мўминов, Н. Исмоилова, Мария Пак, Александр Ан, Анна Когай ва М. Юсуповаларнинг танобини қаттиқроқ тортиш керак. Уларга ҳомийлик қилаётган кишилар ҳам жазодан четда қолмасинлар.

мулла Назоратнинг масъул котиби:
А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

ЎЛПОНЧИ МОНТЁР

— Қани мулла ака, электр энергиянинг ҳақини тўлаб қўйингчи? — деди монтёр Б. Маматқулов «Пискент» совхозининг 3-бўлимидаги хонадонлардан бирига кириб. Уй эгаси ширакайф монтёрнинг сўзларидан жаҳли чиқиб кетди:

— Бу қанақа қилиқ ўзи? Ахир тўрт кун бурун олиб кетувдинг-ку. Пулни олиб квитанция бермайсанда, кейин келиб дўқ урасан. Эй, ўргулдим сендақа ўлпончидан. Ё бош оғриғича пулинг қолмадими?

— Ҳой, бобой! Оғзингизча қараб гапиринг. Сиз мени хизмат вақтимда ҳақорат қиляпсиз. Билиб қўйинг, бунинг учун жавобгарликка тортилишингиз мумкин.

— Ё тавба, электр ҳақи деб берган пулимизга кайф-сафо қилиб юрган сен эмас, биз жавобгар бўлсак, буёғи қандоқ бўлди, энди...

Дарҳақиқат мўйсафиднинг куйганича бор. Б. Маматқуловнинг ҳатти-ҳаракатлари кейинги пайтда жуда қуюшқондан чиқиб кетяпти. У 1983 йилда 3-бўлим аҳолисидан 3 минг 42 сўм 39 тийин электр ҳақи йиғиб олиб, шунинг атиги 376 сўмини совхоз кассасига топширган холос.

Маматқулов электр ҳақини ўзи хоҳлаган пайтда йиғишга одатланиб қолган. Иш вақтида маст-аласт юришини кўрсангиз. Ўзи хон, кўланкаси майдон.

Совхоз раҳбарлари, айниқса, хўжалик инженер-энергетиги Д. Шимяков, бухгалтерия ходимлари бўлим монтёрларидан ўз вақтида ҳисобот талаб қилмайдилар. Ўтган йили 38192 сўмлик электр энергияси аҳоли эҳтиёжлари учун сарф қилинди. Бу маблағ совхоз бюджетидан босиб олинган. Монтёрлар эса ана шу маблағни аҳолидан йиғиб беришлари керак эди. Афсуски, улар бор-йўғи 24492 сўм тўпланганлар холос. Натижада совхозга 13700 сўм моддий зарар етказилди.

Бу ҳол хўжаликда меҳнат интизомининг бўшлиги, юлғичлик ва хўжасизликнинг авж олганлигини кўрсатмоқда. Агар совхоз директори Т. Иномов, бош бухгалтер Г. Ғозиев, бош инженер Г. Турдиохуновлар беғамликни йиғиштириб юқоридаги салбий кўринишларга қарши қатъий курашганларида «ўлпончи» монтёрларнинг таноби ўз вақтида тортилган бўларди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚИШДА ЛОЙ, ЁЗДА ЧАНГ

— Вой-бў, Лазизжон яна ҳаммаёғингни лой қилибсан-ку. Сенга минг марта айтаман, кўчага чиқмагин деб.

— Қўшнижон кўп койиманг. Акмал Икромов кўчасидан юришга болалар у ёқда турсин катталар ҳам қийналишяпти. Бу кўча баҳор ва кузда лой, ёз ойларида эса чанг-тўзонга беланади.

— Сиз биргина А. Икромов кўчасини гапирасиз, Ойбек, Нодира кўчаларида ҳам аҳвол шундай. Ҳа, айтгандай кеча Ғазалкент шаҳридаги 1-Май кўчасида турувчи қариндошларимизникига борган эдик. Шу десангиз бизники ҳолва экан. 1-Май кўчасидан ўтган водопровод қувурлари бир неча жойдан ёрилиб, сув атрофга ёйилиб ётибди. Кўча бамисоли оққуш кўлининг ўзгинаси. Уларнинг ҳам бизга ўхшаб бормаган жойлари, арз қилмаган идоралари қолмабди.

Қўшниларнинг гапида жон бор. Ҳақиқатан ҳам шу кунларда Бўстонлиқ районидаги Ғалаба қишлоқ Советига қарашли эски Ғазалкент қишлоғининг А. Икромов, Ойбек, Нодира кўчалари, Ғазалкент шаҳридаги 1-Май кўчасига одам боласи киролмай қолган. Кўчаларни асфальтлаш, ёрилган водопровод қувурларини тузатиш мутасадди ташкилот раҳбарларининг эсига келмаяпти. Ёзилган шикоятлар, аризалар эса эътиборсиз қолаяпти. Шундан кейин одамлар дилидаги гапларини газетага ёзишга мажбур бўлдим. Зора, энди кўчаларга сон кирса.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

ЭНГ КЎП БАЛЛ ТЎПЛАГАН—ҒОЛИБ

КАЛИНИН РАЙОНИ ХЎЖАЛИКЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАСИДАН

РАЙОН агросаноат бирлашмаси советига Куйбишев номли ва Оржоникидзе номли колхозларнинг раҳбарлари, партия комитетлари секретарлари, етакчи мутахассислар, илғор бригада бошлиқлари, моҳир сабзавоткор ва чорвадорлар тўпланишган. Бу икки хўжалик ўзаро мусобақадош. Бугун РАПО советида ҳар икки колхоз вакиллари иштирокида улар ўртасидаги меҳнат беллашувининг ўтган йилги натижаларига якун ясалмоқда.

Куйбишев номли колхоз деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида самарали меҳнат қилдилар. Хўжаликда ҳар гектар майдондан 453 центнердан сабзавот ҳосили олиниб, эл дастурхонига 9914 тонна ноз-неъмат тортиқ қилинди. Давлатга сабзавот топшириш йиллик плани 181 процент қилиб бажарилди.

—Хўжаликларингиз ўртасидаги меҳнат беллашувининг деҳқончилик соҳасида куйбишевликлар анча кўп балл олдилар, — дейди мусобақага якун ясаётган РАПО советининг раиси Жалил Ҳайдаров. —Улар фақат сабзавотчиликнинг ўзидан 29 балл олдилар. Бу баллар сабзавот етиштириш ва давлатга сотиш бўйича йиллик планлар ошириб бажарилганлиги, ҳар бир сабзавот тури бўйича ҳосилдорлик аввалги йилдагига нисбатан оширилганлиги ва бошқа юқори кўрсаткичлар учун берилди. Жумладан, Куйбишев номли колхозда сабзавот ҳосилдорлиги 1982 йилга нисбатан 35 центнерга кўпайган. Шунингдек, бу хўжаликда карам, сабзи, бодринг, пиёз, ош лавлаги, саримсоқ пиёз ҳосилдорлиги ҳам мусобақадошларникига нисбатан юқори бўлганлиги учун яна 7 балл берилди.

Куйбишевликлар деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида ҳам мусобақадошларидан яхшироқ натижаларга эришиб, 47 балл тўплашга эришдилар. Масалан, мева, узум, озуқа экинлари, маккажўхори етиштириш планларини зиёдаси билан бажарганлар.

Оржоникидзе номли колхозга эса 1983 йил якунига кўра деҳқончилик соҳасида 29 балл берилди. Бу колхозда сабзавот етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планлари ошириб бажарилганига қарамай ҳосилдорлик 1982 йилга нисбатан бирмунча камайган.

Лекин оржоникидзеликлар жамоат чорвачилигини ривожлантиришда ўз мусобақадошларига нисбатан яхшироқ натижаларга эришганлар. 1983 йилда хўжаликда ҳар бир сигирдан 4018 килограммдан, куйбишевликлардагига қараганда 118 килограмм кўп сут соғиб олинган. Бу туфайли колхоз чорвадорлари 635 тонна сут етиштириб, давлатга 527 тонна сут сотганлар ва бу соҳадаги план топшириғини ошириб бажарганлар. Шундай қилиб Оржоникидзе номли колхозга чорвачиликда эришилган натижалар учун 15 балл, Куйбишев номли колхозга эса 13 балл берилди.

Ниҳоят, барча кўрсаткичлар таққослаб бўлингач, РАПО советининг раиси 1983 йил иш натижаларига кўра 60 балл тўплаган Куйбишев номли колхоз аъзолари ўзаро мусобақада ғолиб деб топилганлигини, бу меҳнат беллашуви пешқадамлари район қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгашида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилажакларини маълум қилди.

Биринчи бўлиб куйбишевликларни бу ғалаба билан уларни мусобақадош дўстлари — Оржоникидзе номли колхоз вакиллари табриклашди. Шундан кейин узун стол атрофида тўпланган мусобақадошлар ўзаро фикр алмаша бошладилар. Улар ҳали фойдаланилмаётган катта резервлар мавжудлиги, уларни ишга солиш, деҳқончилик ва чорвачиликка фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини жорий қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлашарди. Шу ернинг ўзида бир-бирларининг хўжаликларида ўзаро текширишлар ўтказиш муддатлари хусусида ҳам келишиб олинди.

—Ўтган йилги меҳнат беллашувида биз ғолиб топилган бўлсак ҳам мусобақадошларимиздан кўп нарса ўрганишимиз керак, — дейди Куйбишев номли колхоз раиси Эргаш Пўлатов. — Улар сабзавот экинларини барвақт етиштириш, маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш соҳасида катта тажриба тўплаганлар. Умуман, колхозчиларимиз қўлга киритаётган ютуқларда уларнинг ҳиссалари катта. Мусобақадошларимиз тез-тез хўжаликларимизга дала ва фермаларида бўлиб, камчиликларимизни кўрсатиб бердилар, бой тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Сўнг РАПО советига навбатдаги мусобақадош хўжаликлар вакиллари таклиф этилди. Яна кўрсаткичлар таққосланиб, мусобақа ғолиблари аниқлана бошланди...

—Районимиз хўжаликлари ўртасидаги ўзаро мусобақа таъсирчанлигини ошириш учун балл системасини жорий қилганмиз, — дейди Жалил Ҳайдаров. —Меҳнат беллашувига шу асосда якун ясалади. Бу мусобақа иштирокчиларининг меҳнатда эришган натижаларига объектив баҳо бериш, ғолибларни тўғри аниқлаш имконини беради.

Калинин районида 36 та колхоз, совхоз, бошқа давлат хўжаликлари бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзаро мусобақадошдир. Ўзаро мусобақалашаётган хўжаликларнинг ер-сув шароитлари, техника билан таъминланганлиги, бошқа имкониятлари деярли бир хил. Бу мусобақага адолатли якун ясаш учун қилинган. Айни пайтда бир хил шароитда турлича кўрсаткичларга эришаётган хўжаликлар фаолиятини чуқур таҳлил этиш янги-янги резервларни қидириб топиш имконини беради.

Ишлаб чиқилган балл системасига кўра мусобақага якун ясалаётганда ўзаро беллашаётган хўжаликларнинг план топшириқларини қандай бажарганликлари, умуман сабзавот бўйича ҳамда унинг турлари бўйича ҳосилдорликни аввалги йилдагига нисбатан кўпайтирганликлари, бу кўрсаткич бўйича ўз мусобақадошидан юқорироқ натижага эришилганликлари баҳоланади. Бу баллар тўпланиб, мусобақа ғолиби аниқланади.

Районда давр талаби ҳисобга олиниб, балл системасини янада такомиллаштириш чоралари ҳам кўрилмоқда. Жумладан, 1984 йил якуни чиқарилаётганида хўжаликларда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш юзасидан олинган мажбурият қандай бажарилганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Ўзаро мусобақадош хўжаликлар ўртасидаги меҳнат беллашувига асосий якун қишлоқ хўжалиги йили тугагандан кейин чиқарилса ҳам вақти-вақти билан уларда эришилаётган натижалар таққослаб борилади. Бунда бирор муҳим қишлоқ хўжалик кампанияси: экин экиш, ҳосилни йиғиштириб олиш тугагач мусобақадошлар ўзаро учрашиб иш натижаларини таҳлил этадилар.

Районда мусобақа самарадорлигини янада ошириш учун бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Масалан, меҳнат коллективлари ижодий ташаббускорлигини янада жўш урдириш учун сиёсий ўқув ва иқтисодий таълимдан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги пайтда район меҳнаткашларидан 18 минг киши марксча-ленинча таълимга жалб этилган. Сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим шахобчаларида шуғулланаётган тингловчилар пропагандистлар ёрдамида шахсий социалистик мажбуриятларини, муқобил планларини ишлаб чиққанлар. Машғулотларда берилган ваъда қандай бажарилаётганлиги мунтазам муҳокама қилиб борилади.

Район партия ташкилотлари сайлаб қўйилган активларнинг меҳнатда шахсий намуна кўрсатишларини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирги пайтда барча хўжаликлар ва корхоналарда сайлаб қўйилган активларнинг қабул қилган юксак социалистик мажбуриятлари алоҳида стендларда акс эттирилган. Улар ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳам қайд қилиб бориляпти. Бу сайлаб қўйилган активларнинг масъулиятларини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Социалистик мусобақа пухта ташкил этилганлиги, унинг таъсирчанлиги тобора ошириб борилаётганлиги туфайли ҳам район меҳнаткашлари меҳнатда қувонарли натижаларга эришяптилар. Ўтган йили калининликлар эл дастурхонига 130 минг тонна сабзавот, 16,5 минг тонна картошка тортиқ қилдилар. Давлатга сабзавот сотиш плани 125 процент, картошка сотиш плани эса 200 процент қилиб бажарилди. Чорвачилик ҳам жадал ривожлантирилиб, 13,5 минг тонна сут, 10 минг тонна гўшт, 66 миллион 150 минг дона тухум етиштирилди. Ўтган йилги иш натижаларига кўра район республика социалистик мусобақаси ғолиби, деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) ва февраль (1984 йил) Пленумлари қарорларини ўзлари учун ҳаракат программаси сифатида қабул қилган район меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида бу йил ҳам зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Беш йиллик тўртинчи йилининг ўтган даври қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, сабзавоткорлар учун ғоят мураккаб келганлигига қарамай калининликлар олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар. Тадбиркор деҳқонлар ўтган йил куздаёқ 2200 гектар ерга ариқ олиб қўйган эдилар. Шу туфайли ҳозирнинг ўзида пиёз, саримсоқ пиёз, редиска, эртаги карам экиш ниҳоясига етди. Яқин кунлар ичида плёнка остига бодринг, ош лавлаги, картошка, беда, озуқа экинлари экишни тугаллаш чоралари кўрилмоқда. Экиш-тикиш ишлари «Қорасув», «Партия XXI съезди», «Хасково» совхозларида, Куйбишев номли, «Москва», Калинин номли колхозларда зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу хўжаликлар ўтган йилги ўзаро социалистик мусобақада ғолиблар сафидан ўрин олишган эди. Уларнинг меҳнаткашлари бу йил ҳам мусобақани янада авж олдириб меҳнатда юксак натижаларга эришишга аҳд қилганлар.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

КОММУНИСТЛАР МУСОБАҚА БОШИДА

ПАРТИЯ ТОПШИРИҒИ БАЖАРИЛДИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси кабель цехидан партия группаси ташкилотчиси Н. Шадрин бошчилигидаги коммунистлар ўз участкаларида меҳнат унумдорлигини оширишни жадаллаштиришдан — иборат партия топшириғини бажардилар. Илғари қолоқ бўлган бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди.

Яқиндагина бу коллективда смена топшириғини бир ярим-икки баравар ошириб бажараётган тажрибали ишчилар қаторида нормани уддалай олмаётган ёш ишчилар оз эмасди. Партия йиғилишида коммунистларга ёш кадрлар тайёрлашни ўз назоратларига олиш вазифаси топширилди. Шундай қилиб, участкада Коммунистик меҳнат мактаби ташкил этилди. Унинг тингловчилари — В. Рачков, Д. Подгорский, Х. Акрамов ва уларнинг кўпгина ўртоқлари тажрибали мастерлар раҳбарлигида малакаларини тез оширдилар, турдош касбларни ҳам эгалладилар. Участкада коммунистлар ташаббуси билан ўтказилган умумий йиғилишда ишчилар бригада методи билан ишлашга истак билдирдилар. Партия группаси коллективда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, материаллар билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўрди, кабелларни бронлаш илғор технологияси жорий этилдики, ишдаги икки операцияни бир йўла бажаришга имкон беради. Натижада бригададаги меҳнат унумдорлиги пландан ошиб кетди.

(ЎзТАГ).

● **Ш. Р. РАШИДОВ номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати 3-филиалининг пешқадам ип ўровчилари Фарида Ҳакимова ва Дилшода Раҳимовалар нормани доим ортиғи билан адо этишяпти. Уларнинг сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 170—180 процентни ташкил этмоқда. Ушбу суратда илғор ип ўровчилар Ф. Ҳакимова (чапда) ва Д. Раҳимоваларни кўриб турибсиз.** Х. Шодиев фотоси.

ЁШЛАР—КАТТА КУЧ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози Маданият саройида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг слёти бўлиб ўтди. Слёт қатнашчилари кейинги йиллар ичида ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари катта кучга айланиб бораётганлиги, улар ўзларига бириктирилган майдонларда ҳосилдорликни ошириш, далачилик ишларини мукаммал ўзлаштириш бўйича анчагина ютуқларга эришганликлари таъкидланди.

— Айниқса, ишлаб чиқариш бригадалари сафининг кенгайиб бораётганлиги диққатга сазовордир, — деди область халқ маорифи бўлимининг мудири А. Э. Назаров слётда қилган докладида, — ҳозирги вақтда областимиз районлари хўжаликларида 20 минг ўқувчини бирлаштирган 518 бригада ишлаб турибди. Улардан 207 таси пахтачилик, 98 таси маккажўхорикорлик, 48 таси сабзавот етиштириш ва 168 таси қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари билан шуғулланади.

Ўтган йили ўқув ишлаб чиқариш бригадалари 16 минг тоннадан кўпроқ пахта, 7 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 24 минг тонна маккажўхори, 5 тонна пилла, 17 минг тонна лавлаги етиштиришга муваффақ бўлдилар. Қатор бригадалар ҳосилдорлик бўйича жуда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Хусусан, Чиноз районидаги Бобир номли 9-ўрта мактаб ишлаб чиқариш бригадасининг ёш пахтакорлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бригадага тажрибали механизатор Эркин Очилов мураббий, ўқувчи Раим Фатулов бошлиқ қилиб тайинланган. Бригада об-ҳавонинг қийин шароитларига қарамай ўзига бириктирилган 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 56,6 центнердан «оқ олтин» етиштириб, райондагина эмас, балки областда ҳам пешқадамликка эришди. Бу бригаданинг ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш бўйича бошлаган ташаббуси областдаги барча мактаблар, ўқувчилар бригадалари томонидан қўллаб-қувватланди. Слётда ёшларнинг бундай улкан муваффақиятларга эришувида «Қизил Октябрь» колхози правленияси томонидан яратиб берилган катта қулайликлар муҳим роль ўйнаётгани ҳам алоҳида таъкидланди. Уларга зарур техника, асбоб-ускуналар ўз вақтида ажратиб берилмоқда. Шинам, ораста дала шийпонида ўқувчилар учун энг қулай шароитлар яратилмоқда.

Бундай илғор ўқувчилар бригадалари областимизда кам эмас. Пискент районидаги 27-, Ўрта Чирчиқ районидаги 24-, Бекободдаги 8-, Оққўрғондаги 15-, Бўка районидаги 14-, Коммунистик районидаги 12- ва Ғалаба районидаги 8-мактаб ўқувчилар бригадалари ҳам ҳар йили яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Ёш маккажўхорикорлар бригадалари ҳам ўтган йили самарали меҳнат қилдилар. Оҳангарон районидаги 26-, 27-, 28-мактаб ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари ҳар гектар ердан пландагидан анча кўп маккажўхори дони ва кўкпоя олиб, бошқаларга ибрат кўрсатдилар.

Оҳангарон районидаги 35-мактаб ишлаб чиқариш бригадаси эса озуқа лавлагиси етиштиришда катта ютуқларга эришди. Ўқувчилар ўтган йили беш гектар майдондан 447 тонна озуқа йиғиб олишди. Бу — планни 225 процент қилиб адо этилди, демакдир.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг илғор сут соғувчиси Волида Мусаева, Паркент районидаги «Ленинобод» совхозидаги 14-мактаб ўқув ишлаб чиқариш бригадасининг бошлиғи Саъдулла Абдиев, Ўрта Чирчиқ район комсомол комитетининг секретари Дилором Раҳмонова, ўқитувчилардан Мавлон Аҳмедов, Гулчеҳра Пўлатова ва Бахтиёр Собиров ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ўқув-ишлаб чиқариш бригадаларининг икки кун давом этган слётида ёш механизаторларнинг пахтачилик, сабзавотчилик, маккажўхорикорлик бўйича назарий билимлари ва амалий ишлари юзасидан конкурс ҳам бўлиб ўтди. Конкурсда ёш пиллакорлар, қўйнбоқарлар, машинада сут соғувчилар иштирок этишди. Шу куни конкурс ғолибларига Тошкент область комсомол комитетининг фахрий Ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Слёт қатнашчилари областдаги барча мактаблар ўқувчилар бригадаларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

М. ШАРИПОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



● **ГУЛЗИНА Ҳожибекова Оржоникидзе районидаги 23-мактабнинг 10-синфида ўқийди. У машинада сут соғувчилар конкурсида иштирок этиб биринчи ўринни эгаллади.**

ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БРИГАДАЛАРИ ОБЛАСТЬ СЛЁТИДАН

Калинин, Тошкент, Оржоникидзе районларида тузилган ўқувчилар бригадалари ҳам оҳангаронликлардан қолишмасликка ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Боғдорчилик ва узумчилик тармоқларида ишлаётган ўқувчи ёшлар бригадалари эришаётган муваффақиятлар ҳам диққатга сазовор. Калинин районининг Гагарин номли совхозидаги 16-, 17-мактаб ўқувчи ёшлар бригадалари 240 тонна, бўстонликликлар 275 тонна узум, Паркент райони ёш боғбонлари эса 434 тонна мева топшириб, илғорлар сафидан ўрин олдилар. Область бўйича ёш боғбонлар етиштирган маҳсулот 900 минг сўмликдан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда областимизнинг кўпгина мактабларида ўқувчилар қуён боқиш билан шуғулланадилар. 1983 йилда ёш қўйнбоқарлар 100 тонна парҳез гўшти, 30 мингдан ортиқ тери топширдилар. Бу соҳада Оржоникидзе районидаги 20-, Ўрта Чирчиқ районидаги 11-, Чиноз райони, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадалари эришган кўрсаткичлар ҳам салмоқлидир.

Музокарада иштирок этган

● **ЁШ сабзавоткор-механизатор Туленбой Ешмуродов эса иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. У Бўстонлиқ районидаги 26-мактаб битирувчисидир.**
Ҳ. Шодиев фотолари.

ВОҚЕЙИ ҲИКОЯ

...РАҲМАТЖОН тонг саҳарда кўзини очди. Тепасида узун оқ халатли, чўнтагига залворли қўлларини суққан барваста ҳарбий врач ва ёшгина ҳамшира термулиб турарди. Кўзлари киртайган, туни билан мижжа қоқмаган, шекилли. Врачнинг: «Ҳайрият, кўзини очди. Энди хавфхатар ўтди, қизим!» деган сўзлари Раҳматжоннинг қулоғига элас-элас чалинди. Эс-ҳушини йиғиб улгурмаган беморга бу сўзлар ғалати туюлди. У нотаниш кишиларга савол назари билан боқди. «Мен қаердаман? Нега бу ерда ётибман?!» дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, бироқ қуруқшаган лаблари қовушмади, унинг тамшанишга ҳам мажоли йўқ эди.

Врач эса қайноқ кафтини Раҳматжоннинг пешонасига қўйди, бошини силади, уни юпатди:

— Ҳозирча сўзлаш ҳам, кўзғалиш ҳам мумкин эмас. Тинч ёт, бардам бўл, ўғлим! Тез кунда соғайиб кетасан!.. Бахтинг бор экан, йигит!...

«Навқирон ёшида қанчалик оғир зарба!» хаёлидан ўтказди у, «ҳали наркоз тарқагач... Нима кўйга тушганини, икки оёғи, қўл панжаларидан бир умрга айрилганини сезиб қолади. Ана шуниси даҳшат!..» Врач ҳамширага бемор ёнидан силжимасликни буюриб, вазмин қадам ташлаб эшикка томон юрди.

Раҳматжон қимир этмай шипга қараганча ётарди. Шу топда у нималарни ўйлаяпти экан? Наҳотки... наҳотки... У ҳали ҳам қалбини яралаган мудҳиш жароҳат, соғаймас асоратни сезмаган бўлса? Шундоқ ёнгинасида унга тикилиб жимгина ўтирган ёшгина ҳамшира, шу нозиккина қизча ундан жуда ҳоловтирда. Эзилиб, ичи-ичидан тўкилиб ўтирибди.

Ниҳоят,.. бемор сезди, фаҳмлади!.. Зумда кўз ўнги қоронғилашиб, вужудига титроқ турди, Кўнгли бузилиб, беҳузур бўла бошлади. Жисми ўт бўлиб ёнди. Ҳамшира қиз ўрнидан сапчиб туриб, пешонасига дока намлаб босди, ялиниб-ёлбориб юпата бошлади. У худди туғишган акасига жони ачигандек куйиб-пишарди. Бу Раҳматжонга ғалати таъсир қилди. Қизнинг жиққа ёш кўзларини кўриб ич-ичидан ҳайқириб келган оғриқ, ингроқни зўр-базўр босди. Фақат ўсиқ киприклари орасидан силқиб чиққан томчи кўз ёшлари юзларидан сирғалиб тушиб, ёстиғига сингиб кетди.

...Полк нонуштадан сўнг кенг сайҳонликда саф тортиб, командир навбатчи кичик офицерлар рапортини қабул этгач, босиқ оҳангда йигитларга мурожаат қилди:

— Мана бугун, шу топда кўпгина ўртоқларимиз, жанговар сафдошларимиз билан хўшлашамиз. Улар Ватан олдидаги шарафли бурчларини ўтаб бўлишди. Уларни оналарида орзиқиб кутишаяпти. Ҳаммангизнинг номингиздан уларга «Оқ йўл!» тилайман ҳамда эътиборингизга Ватанимизнинг яна бир муҳим наказини етказиб қўймоқчиман. Ғалла — бебаҳо бойлигимиз, ризқ-рўзимиз эканини тушиниб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳозир қўриқда олтин бошоқ тақдири ҳал бўляпти. Дўстларим, Қозоғистон ғаллакорлари сизларнинг йўлингизга мунтазир!

Сизлардек малакали шоферлар у ерда жуда-жуда асқотади... Хоҳловчилар, бир қадам олға!..

Шахдам қадамлардан ер ларзага келди. Қисм командири сафдаги якдилликни кўриб, мамнун жилмайди. Ана шу кўнгилли зарбдор отряд сафида тожик йигити Раимжон ва ўзбек йигити Раҳматжонлар ҳам бор эди.

Кўнгиллилар отряди Целиноград область темирйўл станцияларидан бирига келиб тушди. Бу ерда ҳаммага иш, юмуш етарли эди. Раҳматжон билан Раимжонга ҳам катта бир машина рулини тутқазишди. Ўзида йўқ хурсанд икки ўртоқ «Иш деган бундоқ бўпти!»— деб ғайрат отини эгарлаб олишди, олис-олис буғдойзорлардан омборга ғалла ташиб бошлашди.

...Кеч куз. Қош қорая бошлаган пайт. Икки ҳамроҳ яна рейса отланишди. Сал ўтмай кузовига лиммо-лим дон ортган машина йигирма-йигирма беш чақирим йироқда дала йўлидан елдек учиб борарди. Меҳнат зафарлари тилга тушган икки азамат шу топ фақат янги рекорд ҳақидагина ўйлашар, ҳавонинг авзойи тўсатдан ўзгариб, қаттиқ бўрон бошланаётгани кўпда парволарига ҳам келмасди. Бора-бора совуқ кучайиб, қор қалинлашди. Гўё шу топ бутун борлиқ тубсиз зимистон қаърига қулаб бораётгандай туюларди. Машина рулида ўтирган Раҳматжон йўлдан адаша бошлади. Хушёр тортган Раимжон кабинадан сакраб тушиб, машинанинг олдига ўтиб юра бошлади. Бироқ тезда совуқ қотиб, кабинага ўзини урди.

— Тўхтат, тўхтат машинани!— буйруқ берди у, қўлларини жон ҳолатда бири-бирига ишқаб.— Энди олға бориш бефойда!..

Машина оғир силкиниб тўхтади. «Энди нима қилиш керак?»— дўстига маъноли боқди Раимжон. У ҳам ана шу мудҳиш жумбоқ асири эди, саволи жавобсиз қолди.

— Ноумид-шайтон!

— Нима?

— Ноумид-шайтон, деяпман! Қани бўл, чиқдик тепага! Атрофни кузатамиз!

Икковлон икки томондан кузовга тирмашишди. Қор аралаш аччиқ изғирин кўз очишга қўймас, ёқани вайрон қилиб, юз-бўйини аёвсиз чимдиларди. Раҳматжон аранг ўзини ўнглаб олиб, бир қўли билан юзини аёздан тўсганича олисларга умидвор тикилди. Оёғи тойиб кетиб, қийшайиб қолган Раимжон дўстидан сўради:

— Ҳеч нарса кўраяпсанми, Раҳмат?

— Йўқ-қ!.. Бироз олға юрсакмикан-а?!

— Қайдам?!

Ғилдиракларини ярмигача қор кўмиб қолган машина пишқирганча зўрга жойидан қўзғолди. Тусмоллаб икки-уч чақирим йўл ҳам юрилди. Тепага чиқиб яна атрофни кузатишди. На бирон-бир қишлоқ ва на бирон-бир шарпа кўринарди, кўзга.

— Кўнглим бир нарсани сезувди-я,— деди Раимжон кабинага қайтиб киришгач, тили зўрга калимага келиб.

— Умидсизланма, дўстим. Ҳа демай, бўрон тўхтайди. Ана ўшанда яна йўлимизни топиб оламиз. Ахир икки кишимиз-ку, нимадан ҳам қўрқамиз?!.

...Улар машина кабинасида ғужанак бўлиб олганча минг азобда тонг оттиришди. Аммо офат, бу даҳшат сира чекинмоқчи эмасди. Эртасига ҳам, индинига ҳам бўрон тўхтамади. Олға юриш ёки орқага қайтишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Совуқ тобора кучаяр, бензин ва озиқ-овқат эса тугаб борарди.

Шу зайл бир ҳафта ўтди. Энди улар ёрдамга жуда муҳтож эдилар. Ёрдам етиб келишига қаттиқ ишонишар, «Тағин бизни кўрмай қолишмасин», деб ҳар замон, ҳар замон кабина томини қордан тозалаб туришар, қалин қиров босган машина ойнасидан қўл узатса етгудек пастак осмонга яна умидвор кўз тикиб ўтиришарди. Совуқ жон-жонидан ўтиб кетган, бутунлай ҳолдан тойган, оч-наҳор икки ўртоқнинг бора-бора машина эшигини очиб пастга тушишга ҳам мадорлари қолмади...

Орада ўн уч кун ўтди, деганда белоён чўлда буғдой ортган юк машинаси топилгани ва машина кабинасида музлаб қолган икки киши вертолётда Олмаота касалхонасига олиб - кетилгани ҳақида хабар тарқалди...

...Раҳматжон оғир хаёллар таассуротида бўлиб, ҳамшира қизнинг гапини эшитмай қолди. «Нима дедингиз?»— дегандек у базўр қизга юзланди.

— Мени эшитаяпсиз-а, эшитаяпсизми?.. Бахтингиз бор экан, ҳа, бахтингиз бор экан! Албатта, албатта соғайиб кетасиз!.. Тошкентдан экансиз?! Қандай яхши! Ажойиб шаҳрингиз ҳақида жуда кўп эшитганман, аммо бўлмаганман!..— деди қиз уни ё гапга солмоқчи, ё кўнглини кўтармоқчи бўлиб.

— Исмингиз нима,—синглим?— синиқ овозда сўради бемор.

— Люба!— деди қиз жон ҳолатда, беморнинг «тили чиққанн»дан севиниб.

— Демак Люба, Любовь! Жуда чиройли исм. Бизнингча, бу — «муҳаббат» дегани!

Люба кутилмаганда сеҳрли бир сўз эшитгандай юзларидан нур ёғилиб, Раҳматжонга жилмайиб қаради.

Раҳматжон худди михлангандай олти ой каравотда қимир этмай ётди. Ҳушига келиб кўз очиб кўрган мана шу ёруғ дунё узоқ вақт унга бенаво туюлди. Қоронғу дилига бирон кимса чироқ ёқолмас, малҳам бўлолмас эди. Унга жуда оғир эди. Дўсти Раимжоннинг вафоти эса дард устига чипқон бўлди.

...Шипга қараб ётавериб юраги зардобга тўлган Раҳматжон бутун вужуди билан очиқ ҳавога талпинарди. Унинг бирдан-бир орзуси қуёшли, булоқ сувидек беғубор осмонни тўйиб-тўйиб яна бир бор кўриш эди.

Люба бугун эрта билан хонага қувончдан энтикиб кириб келди.

— Табриклайман сизни! Туришга рухсат беришди!

Шу чоқ Люба Раҳматжоннинг кўзига оддий ҳамшира қиз эмас, фаришта бўлиб кўринди. Ҳа, ҳаётининг энг оғир кунларида у доим ёнида бирдан-бир дилкаши ва дардкаши, меҳрибони бўлди. У эшиқдан кириб келди дегунча хонага нур ёғиларди. Йигит қизни озгина кўрмаса соғинадиган, ҳавотир оладиган бўлиб қолди. Қиз ҳам унга меҳрибон эди...

Раҳматжоннинг қизга «бир нима» дейишга юраги дов бермас, тўғрироғи юрак дардини ошкор қилишдан ўзини тияр, кўнгил ихтиёрига сирасира эрк бера кўрмасди. Чунки у ўзини... мажруҳ деб биларди...

* * *

Раҳматжон соғайиб Тошкентга, ўз қишлоғига қайтди. Бутун қишлоқ уни кўргани келди. Унинг жасоратини эшитиб, олис жойлардан келувчилар ҳам бўлди. Лекин улар орасида азиз кишиси кўринмасди. Икки ой ўтди...

Бир куни Люба уни сўроқлаб кириб келди. Уй аҳли қизни хўрсанд кутиб олди. Шундан кейин у келиб-кетиб турди.

Любанинг Раҳматжонлар уйига тўртинчи бор келиши тўйга баҳона бўлди. Сир очилди. Кўпни кўрган қишлоқ оқсоқоллари маслаҳатлашиб икки ёшнинг тўйини тантанали ўтказишди...

Ўша тўй, ўша ғаройиб кунга бугун роппа-роса 25 йил бўлди. Бугун ўша икки пайваста қалбнинг кумуш тўйлари!..

Насрулло ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЯНГИ НАВЛИ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ

Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўчатзорларида баҳорги экиш учун тайёрланган ва Ўзбекистонда районлаштирилган олма навлари интенсив усулда боғлар барпо этиш учун мўлжалланган. Бу навлар орасида «Кинг Девид» ва «Жонаред» номли пакана олма навлари бор. Янги навларнинг афзаллиги шундаки, улар ғоят серҳосилдир. Бундай олмалар экилган ҳар гектар майдондан уч юз центнердан ортиқ хушбўй олма йиғиштириб олинади. Бу одатдаги олма дарахтлари ҳосилига нисбатан деярли уч баравар кўпдир.

Бу йил бирлашмада жами саноат кўламидаги пакана дарахтлар учун ўтган мавсумдагига қараганда юз мингта кўп, яъни бир ярим миллион кўчат тайёрлаб қўйилди.

(ЎзТАГ мухбири).



● ПОЙТАХТИМИЗ Тошкент йил сайни ободонлашиб бормоқда. Қурувчилар бунёд этаётган замонавий, кўп қаватли бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Суратларда: «Қўйлиқ-5» массивида қад кўтарган янги турар-жой кварталлари.

В. Портнов фотолари.

ФАН ВА МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЛМАЛИҚДА ҲАМЗАХОНЛИК

ШАҲАРДАГИ «Химик» маданият саройи металлург ва кимёгарлар, мактабларнинг педагог ва ўқувчилари, қўшни Ленин номли колхознинг меҳнаткашлари билан гавжум бўлди. Бу ерда атоқли инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 95 йиллиги ва Наврўз байрамига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган «Ёшлик» адабий уюшмасининг аъзолари, «Химик» маданият саройиннинг адабиёт тўгараги қатнашчилари ва қўшни Оҳангарон районидаги «Илҳом» адабий клуби ижодкорлари иштирок этдилар.

Кеча қатнашчилари Ҳамза шеърларидан ифодали ўқидилар.

Тўпланганлар маданият саройи қошидаги драма тўгараги қатнашчилари ижросида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг машҳур «Бой ила хизматчи» спектаклини томоша қилдилар.

М. АСҚАРОВ,
«Ёшлик» адабий уюшмасининг раҳбари.

МОСКВАГА—ГАСТРОЛГА

Ўзбек театрларининг она-Ватанимиз пойтахти Москвада ижодий ҳисобот ўтказиши яхши анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан бўладиган гастроль томошалари ҳам катта ижодий кўрикка айланади.

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри ҳам бу йил ёзда бўладиган Москва гастролига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Пойтахт томошабинларига театр репертуаридаги энг яхши спектакллар тақдим этилади. Таниқли композитор Икром Акбаровнинг қаҳрамонлик эпоси асосида яратган операси ҳам гастроль программасидан ўрин олди.

«Суғд элининг қоплони» деб номланган бу асар театр саҳнасида муваффақиятли ижро этилган эди.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ СТУДЕНТЛАР ОТАЛИҒИДА

Республикамиз пойтахтидаги олий ўқув юртлари мактабларида пионерлар уйлари билан яқин алоқа боғлаганлар. Янгийўл шаҳар пионерлар уйида ташкил қилинган халқлар дўстлиги халқ университети бундай ҳамкорликка мисол бўла олади.

Университет машғулотларини олиб боришда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил кўраётган студентлар ёрдам беряптилар. Яқинда институт чет эллик талабалари билан қизиқарли учрашув ўтказилди.

Шунингдек, республика рус тили ва адабиёти педагогика институти олимлари ҳам халқ университети билан боғландилар.

А. НОСИРОВА,
С. ОДИЛОВА.

СПОРТ

КУБОК УЙИНЛАРИ

Европа футбол турнирида қатнашаётган уч командамиз навбатдаги ўйинларни ўтказди. «Спартак» Тбилиси шаҳрида Бельгиянинг «Андерлехт» клубини қабул қилди. Сафарда совет футболчилари 2:4 ҳисобида мағлубиятга учраган эдилар. Такрор ўйин бошланиши билан спартакчилар ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Аммо биринчи бўлимда уларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Иккинчи бўлим бошланиши билан майдон эгалари олдинга чиқишлари мумкин эди. Лекин Ю. Гаврилов 11 метрлик жаримма тўпини киритта олмади. Бу муваффақиятсизликдан сўнг ўйинда сусайиш юз берди. 89-минутда Родионов киритган битта тўп пировард натижага таъсир кўрсата олмади. Икки учрашув якунига кўра «Андерлехт» ярим финалга чиқди.

Минск динамочилари Бухарестда «Динамо» футболчилари билан учрашиб, 0:1 ҳисобида енгилишди. Донецкнинг «Шахтёр» командаси эса Португалиянинг «Порто» клубини қабул қилиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

РЕКОРДЧИ ИККИНЧИ ЎРИНДА

Наманганда камондан отиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Украналик Людмила Аржаникова М-1 машқида 1325 очко тўплаб рекорд ўрнатди. Лекин унинг икки қурашда эришган натижаси ғолибликка кифоя қилмади. Наталья Бутузова 2614 очко билан биринчи ўринни олди. Душанбелик Зебинисо Рустамова 2565 очко билан учинчи ўринда қолди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

Минск шаҳрида ниҳоясига етган оғир атлетикачиларнинг мамлакат чемпионатида республикамиз вакиллари ғолиблар сафидан ўрин ололмаган бўлсаларда, улар кучли саккизлик рўйхатига киришди. В. Мазурец 82,5 килограммгача вазнлилар бахсида икки қурашда 355 килограмм (8-ўрин), Л. Хугаев 110 килограммдан юқори вазнлилар бахсида икки қурашда 402,5 килограмм (5-ўрин) натижа кўрсатди.

КИНО ҚУРИЛМАЛАРИ ШАЙ

Область кинолаштириш бошқармаси муассасаларига тегишли 70 кўчма кино қурилма баҳорги мавсумга тайёрлаб қўйилди. Бу аппаратлар ёрдами билан дала шийпонларида баднй, ҳужжатли, оммабоп ва тематик фильмлар кўрсатилади.

Киноқурилмаларни сифатли ремонт қилишда Оққўрғон, Янгийўл, Паркент районлари кинолаштириш бўлимлари кўпроқ активлик кўрсатдилар. Г. Рўзиматов, Д. Калдибоев, Х. Хожиев сингари тажрибали киномеханиклар эса ремонт ишлари бўйича мусобақа ғолиби бўлдилар.

ЗИЛЗИЛА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДАН РЕПОРТАЖ

ГАЗЛИ: ЖАСОРАТНИНГ ДАВОМИ

ГАЗЛИ. (Бухоро области), 21 март. (ЎзТАГ махсус мухбирлари А. Фозилов, С. Фенютин). 1976 йил кўклами да ер ости бўронига маҳнат билан бардош берган ва ўз жароҳатларини тузатиб олган Газлига яна табиий офат ҳуруж қилди. Шу сатрлар ёзилаётган пайтда Қизилқум марказида тўққиз балли зилзила содир бўлиб, чўл забткорларининг — ер ости бойликларини қидирувчиларнинг, газ конларини ишлатувчиларнинг, магистрал газ қувури қурувчиларининг жасорати нақадар мустаҳкамлигини яна бир бор синаб кўрганидан бир суткадан камроқ вақт ўтган эди.

Таҳликали соатлар хроникасини қисқача айтиб ўтмоқчимиз.

Соат 2 дан 29 минут ўтди. Ер ости довули Газлининг жами аҳолисини оёққа турғизди. Одамлар кўчаларга чиқишди. Уларнинг кўплари касалхонага югуриб, ёриқлар пайдо бўлган бинодан беморларни ташқарига олиб чиқа бошладилар. Шаҳардан тўққиз километр нарида жойлашган Бухоро—Урал ва Ўрта Осиё — марказ газ қувурларининг бош иншоотига электр энергия бериш тўхтаб қолди. Навбатчи Ҳамид Очилов сменаси постлардан жилмади, авариянга йўл қўймаслик учун ҳамма чорани кўрди. 1976 йилдаги дастлабки ер силкинишидан сўнг турбокомпрессор хонасидан газ отилиб чиқиб, пайдо бўлган ёнғин анча вақтгача газ дарёсини ишдан чиқариш хавфини туғдирганлигини эсда тутиб пухта ҳаракат қилишди. Бу сафар ёнғин чиқмади, регионнинг сейсмик шароитларини қисобга олиб қурилган биноларнинг ўзи ҳам қудратли ер ости зарбасига бардош берди, кичик-кичик ёриқларгина пайдо бўлди.

Эрталаб соат 4. Газлидаги телефонлар ишламай қолди. Ер қаърида тўпланган қудратли куч инженерлик алоқа йўлларини бузган, газ, сув бериш тўхтаб қолган эди. Ўй-жой бинолари, болалар боғчалари, мактабларнинг бинолари шикастланди. Шаҳарнинг ўзида эса тартиб ва уюшқоқлик ҳукм сурмоқда. Врачлар шикастланганларга ёрдам беришмоқда — юздан ортиқ киши майиб бўлган эди. Уларнинг кўпчилик қисми автобусда область марказига жўнатилди.

Соат 6 дан 50 минут ўтди. Бухоро область партия комитетида шошилинч мажлис ўтказилди. Газлидаги вайронгарчиликларидан ташқари, зилзила Бухоро, Когоннинг, бир қанча районларнинг уй-жой фондига зарар етказганлиги маълум қилинди. Мактабларга, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, савдо-сотиқ ва маиший хизмат корхоналарининг бир қисми ишдан чиқди. Асосан эски иморатлар табиий офатнинг ҳуружига бардош бера олмади.

Республика ва Ўзбекистон партия ташкилотининг раҳбарлари, иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идораларининг вакиллари зилзила бўлган районга келдилар. Тошкент — Бухоро осмон кўпригидан қатнов бошланди, чодирлар, зарур моллар, дори-дармон етказиб берила бошлади. Самолёт кўнган жойнинг ўзида бу нарсалар автомашиналарга ортилиб, зудлик билан қулфат содир бўлган районларга юборилди. Осмон кўприги ишлаб турибди.

Зарар кўрган районларга область марказидан нон, озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган автомашиналар йўлга чиқди. Дастлабки сув цистерналари Газлига етиб келди. Кўчма ошхоналардан тутун чиқа бошлади.

Соат 12. Республика пойтахтидан етиб келган мутахассислар бош иншоотларни кўздан кечира бошладилар. Уларнинг ҳаммалари якдил бир фикрга келишди: Воқеа нохос рўй берган шароитда асбоб-ускуналар синовга бардош берди, ҳозир бемалол ишлатса бўлаверади. Фақат электр линиялари қайта тикланса бас—уларни ремонт қилиш жадал олиб борилмоқда. Сейсмолог олимлар зилзила марказига сезгир приборларни ўрнатиб қўйишди. Шу дақиқадан эътиборан улар ернинг томир уришига қулоқ солиб турадилар — яна ер тебрана бошлайдиган бўлса, бундан одамларни барвақт огоҳ этиш учун шундай қилиш зарур.

— Шу март туни машақатли бўлди,— дейди «Газли нефтегаз» бошқармасининг ишчиси Муҳаббат Сафарова — аммо бизни кулфатда қолдирмасликларинг билар эдик. Бир неча йил аввал шундай бўлган эди, ҳозир ҳам шундай бўлди. Ҳаёт аста-секин изига тушмоқда. Энг катта қайта тиклаш ишларини бошлаш кераклигини тушунамиз. Бу ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ зудлик ва уюшқоқлик билан бошланиб кетди.

Бугун табиий офат районида жойлашган корхоналар одатдаги график билан иш бошладилар. Ҳаёт нормал изга кирмоқда. Мардлик тимсоли бўлиб қолган шаҳар — Газли меҳнаткашлари яна матонат, довюраклик кўрсатиб, совет характерини намойиш этмоқдалар. Қайта тиклаш ишлари суръати тобора жадаллашиб бормоқда.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЎРТА ОСИЁ ТАСС ФОТОСУРАТЛАРИДА

АНҚАРА. (ТАСС). Туркия пойтахтида ТАССнинг «Совет Ўрта Осиёси» фотовиставкаси зўр муваффақият билан ўтди.

Маданият уюшмаси залларида очилган экспозицияни икки ҳафта мобайнида ўн минглаб анқараликлар ва Туркия пойтахтининг меҳмонлари келиб кўрдилар. Совет фото усталарининг Совет Ўрта Осиё республикалари тарихий, архитектура ёдгорликлари, анъаналари ва бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилувчи асарлари жуда катта қизиқиш уйғотди.

Матбуотда билдирилган кўпдан-кўп фикрлар ва томошабинларнинг берган баҳоларига кўра виставка Туркия маданий ҳаётида совет ва турк халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган муҳим воқеа бўлди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ДАМАШҚ. Фаластин халқ озодлик фронтининг вакили хабар беришича, партизанлардан бир группаси Исроил босиб олган Ғазо секторида Исроилнинг ҳарбий соқчиларига ҳужум қилган. Босқинчилардан бир неча киши ўлдирилган ва яралар қилинган. Бугун ораси да Исроил разведкасининг юқори лавозимдаги офицери ҳам бор.

Баёнотда Фаластин ватанпарварлари босқинчиларга қарши қуролли курашни давом эттиришга азму қарор берганликлари таъкидланади.

● МАНАГУА. Март ойининг биринчи ярмидагина юздан кўпроқ ватанпарвар Гватемала реакцион ҳарбийларининг зўравонлиги қурбони бўлдилар. Ахборот агентликларининг хабар қилишича, шулардан салкам 40 киши ваҳшиёна ўлдирилган, 35 киши эса «бедарак йўқолган». Мамлакат жамоатчилиги ҳаддан ташқари авж олиб кетган репрессияларга чек қўйилишини талаб қилмоқда.

● МЕХИКО. Бу ерда «Мексика—СССР» дўстлик ва маданий ҳамкорлик институти ташкил этилганлигининг бу йил нишонланадиган 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Мексика жамоатчилигининг, сиёсий партияларнинг, давлат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда сўзга чиққан институт президенти Карлос Сапата Вела институт Мексикада совет ташқи сиёсатини, Совет Иттифоқи партияси билан ҳукуматининг Ер юзида тинчликни таъминлашга, ёппасига ва батамом қуролсизланишга қаратилган куч-ғайратларини ҳамиша кенг пропаганда қилиб келганлигини таъкидлади.

● ФРИТАУН. Бу ерда Сьерра-Леонининг биринчи вице-президенти С. Корома Совет Иттифоқи билан Сьерра-Леоне ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш кераклигини ёқлаб гапирди. Биз, деди у, ривожланаётган мамлакатлар миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашда СССР бераётган ёрдам ва мададни юксак баҳолаймиз.

Вице-президент республика ҳукумати номидан гапириб, халқаро кескинлик юмшатилишини ёқлаб чиқди. Сьерра-Леоне, деб таъкидлади у, ялпи тинчликка эришиш мақсадида бундан буён ҳам зўр бериб куч-ғайрат сарфлайберади.

(ТАСС).

КАМПУЧИЯ—ТАИЛАНД ЧЕГАРАСИДАГИ ИҒВОГАРЛИКЛАР

ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Таиланд Кампучия Халқ Республикаси билан чегарада иғвогарликни давом эттирмоқда. Кампучиянинг СПК ахборот агентлиги хабар беришича, 8 мартдан 15 мартгача Таиландинг жосус самолётлари КХРнинг ҳаво чегарасини бир неча марта бузиб ўтди. Қуролланган кемалар унинг территориал сувларига 50 марта бостириб кирди. Шу давр ичида республиканинг чегара районлари 75 марта тўплардан ўққа тутилди.

Таиландда уя қуриб олган полпотчи каллакесарлар Кампучия территориясига суқилиб киришга бир неча марта уринриб кўрдилар. Иғвогарликлар натижасида КХР граждан аҳолиси орасида қурбонлар бор. Кампучия чегарачилари чегара бузувчиларга қатъий зарба бердилар, газандалардан уч юздан ортиқ кишини сафдан чиқардилар.

ҚУШМА ҲУЖЖАТ МАЪҚУЛЛАНДИ

ЛОЗАННА. (ТАСС). Бу ерда Ливандаги миллий ярашга бағишланган ва 9 кун давом этган конференциянинг иккинчи босқичи тугади. Унинг қатнашчилари узоқ давом этган мунозарадан сўнг жамоалар ўртасидаги можарони бартараф этишнинг умумий принциплари ҳамда мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва социал ислоҳотлар ўтказиш зарурлиги ҳақидаги қўшма ҳужжатни маъқуллидилар.

Конференция қатнашчилари, жумладан, ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимга риоя этиш зарурлигини таъкидладилар ҳамда конституцияни ислоҳ қилиш комитетини тузишга қарор бердилар, бу комитетга мамлакат президенти бошчилигида 32 киши киради.

АҚШНИНГ ИНТЕРВЕНЦИЯЧИЛИК ИЎЛИ

МАНАГУА. (ТАСС). Марказий Америкада АҚШнинг айби билан ғоят кескин вазият вужудга келди, деди Сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси, миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Д. Ортега.

Оқ уй ҳаддан ташқари авж олдирган террорчилик сиёсатига жавобан Никарагуа халқининг ўз революциясини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга бўлган азму қарори мустаҳкамланмоқда, Марказий Америкадаги бошқа мамлакатларда миллий озодлик кучларининг кураши кенгаймоқда, деди Д. Ортега.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, токарь, фрезерчи (сонли программа билан бошқариладиган станоклар оператори), **слесарь-сантехник, газ пайвандчи.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИДА ЯШАЙДИГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати—1 йил.

Билим юртини тугатганларга эгаллаган ихтисоси бўйича диплом берилади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати—3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот олганлиги ва касб эгаллаганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ҳар куни уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг маълум қисми берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида Тошкент политехника институти самолётсозлик факультетининг ва авиация техникумининг кечки бўлими мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга. Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида спортсоғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3x4 см. ва 4x5 см. ҳажмлардаги 8 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 121 автобусларнинг «166-билим юрти», 3, 23 трамвайларнинг «Лисунов номли кинотеатр» бекатлари).

ЧИРОЙЛИ, КЎРКАМ ГИЛАМ ВА ПАЛОСЛАР...

Айтайлик, янги уйга кўчиб ўтдингиз. Хоналар янги бўёқдан чиққан. Деворлардаги нақшлар кўзни олади. Шунда сиз ойдаланишга анча яроқсиз бўлиб қолган гилам ёки палосни полга тўшамайсиз, албатта. Янги гилам ёки палос эса хонангизни янада «ёшартириб» юборади, кўркига кўрк қўшади.

Магазинларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган турли рангдаги, ҳажмдаги ва турли нақшлар солинган гилам ва палосларни учратишингиз мумкин. Баъзан бир-биридан чиройли бу буюмлардан қайсинисини сотиб олишни билмай қоласиз.

БУ ХУСУСДА ҚУЙИДАГИ МАСЛАҲАТЛАРНИ БЕРАМИЗ:

Гилам, мебель, девор рангига мос бўлиши керак. Айниқса, жигарранг, оч қора мебеллар қўйилган хонага турфа гулли гилам тўшалса уй янада ёришиб, «очилиб» кетгандай бўлади. Агарда мебелингиз очиқ рангда бўлса унда нақш солинмаган, сержило бўлмаган гиламларни сотиб олишингиз мумкин.

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, гилам уйингизни безаши билан бирга узоқ йиллар ўзингизга, фарзанд ва невараларингизга ҳам хизмат қилади.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ

Хива, Олмалиқ, Марғилон, шунингдек Руминия, Вьетнам, гилам комбинатларида ишлаб чиқарилган гилам ва гилам маҳсулотларини харид қилишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон: 48-44-49).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/III да **Юлдузли тунлар** (12.00, 19.00), 24/III да **Зебунисо** (12.00 19,30), 25/III да **Зебунисо** (12.00), **Олтин девор** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/III да **Хизматингизга тайёрмиз**, 24/III да **Гулсара**, 25/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (12.00), **Тошболта ошиқ** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа. Совет цирк санъати усталарининг томошалари** (23/III да 19.30; 24/III да 12, 15 ва 18.00).

«Узоптгалантерея» Тошкент областлараро базаси коллективи «Узоптгалантерея» республика конторасининг директори Б. С. Баратовга рафиқаси

Анна Гукасовна АВАКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 12156 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1569. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12